

«Саҳиҳи Бухорий» китобининг ўзбекча шарҳи Мисрнинг бир йўла учта нашрида эътироф этилди



10:05 / 19.12.2022 1477

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон муслмонлари идораси ҳамда «Ҳилол нашр» матбаа нашриёти ҳамкорлигида Имом Бухорий қаламига мансуб «Саҳиҳи Бухорий» асарининг ўзбек тилидаги шарҳи китоби тақдимотида оид маълумотлар Мисрнинг бир йўла учта нашрида чоп этилди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази матбуот хизмати маълумотида мақолаларда Мовароуннаҳр худудидан чиққан буюк муҳаддис алломаларнинг ҳадис илми борасидаги бой илмий-маънавий тажрибаси ислом цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшгани эътироф этилгани қайд этилади.

«Ислом тарихи буюк аллома ва мутафаккирларга бой. Ислом кутубхонасини турли илмлар билан бойитган олимларнинг аксариятини Осиё қитъасининг дарёдан нариги томонидаги мамлакатларидан топамиз. Бугунги кунда Ўзбекистон давлати ўз мамлакатада жаҳон цивилизацияси ва илмий тараққиёти ҳамда ислом илмлари ривожига ҳисса қўшган муҳаддислар, таржимонлар, илоҳиётшунос ва ҳуқуқшунослар ҳаёти ва қолдирган меросини илмий тадқиқ этиш йўли билан ўрганишга киришган», дейилган Cairo 24.com электрон нашрида (<https://www.cairo24.com/1711429>) «Илк маротаба... Саҳиҳи Бухорийнинг ўзбек тилига таржимаси» номи остида чоп этилган мақолада.

Мақолада «Саҳиҳи Бухорий» асарига ўзбек тилида берилган шарҳнинг хусусиятли жиҳатларига кенг ўрин берилган.

elbalad.news сайтидаги «Қуръондан кейинги энг муқаддас китоб. «Саҳиҳ ал-Бухорий»нинг ўзбек тилига илк бор таржимаси» номли мақола (<https://www.elbalad.news/5568819>)да ушбу кўп жилдли шарҳ дунё уламолари билан ҳамнафас бўлиш, ўзбек халқининг «Саҳиҳ ал-Бухорий» тадқиқига ҳиссаси борлигини исботлаш мақсадида яратилгани таъкидланган.

«Ал-Азҳар овози» газетаси эълон қилган «Янги нашр. «Саҳиҳ ал-Бухорий»нинг ўзбек тилида батафсил изоҳи» номли мақолада ўзбек тилида тақдим этилган мазкур нашр ҳадис илми борасидаги билимларни янада мустаҳкамлаш ҳамда Имом Бухорийнинг бой маънавий меросини тўлароқ англашга асос бўлиб хизмат қилишига урғу берилган.

Мақолаларнинг барчасида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Шовосил Зиёдов ҳамда Марказ директори ўринбосари Отабек Муҳаммадиевнинг янги нашр юзасидан билдирган фикрларидан иқтибослар келтирилган.